

Ўзбекистон Республикаси мактабгача,  
умумий ўрта, профессионал ва олий  
таълим тизимларида “Информатика ва  
ахборот технологиялари” фанини  
ўқитишни ривожлантириш

# КОНЦЕПЦИЯСИ

## 1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси мактабгача, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим тизимларида Информатика ва ахборот технологиялари фанини ўқитишни ривожлантириш концепцияси Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш Стратегиясининг концепцияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4312-сонли Қарори, 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сонли ҳамда 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5812-сонли ва ва 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари, 2025 йилгача Ўзбекистон саноатининг ривожланиши концепцияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан ишлаб чиқилган.

2. Концепция мактабгача, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим тизимларида информатика таълимини ривожлантиришнинг асосий тенденцияларини белгилаб беради, жумладан:

ривожланган хорижий мамлакатларнинг таълим соҳасида меъёрларни белгилаш тажрибасидан миллий хусусиятларни ва мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш;

информатика таълими меъёрий ҳужжатларини таълим сифати ва кадрлар тайёрлашга қўйиладиган халқаро талабларга мувофиқлигини таъминлаш;

информатика таълими бўйича мактабгача, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим тизимлари битирувчиларига қўйиладиган малака талабларини узвийлигини таъминлаш ҳамда амалиётга татбиқ этиш;

информатика таълими мазмуни ва моҳиятини сифат жиҳатидан янгилаш, шунингдек ўқитишнинг янги аспектдаги методикасини ишлаб чиқиш, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш;

мактабгача, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим тизимларида информатика таълимининг ўзаро интеграциясини таъминлаш ва битирувчиларни касб-хунарга ўргатиш орқали ҳаётга тайёрлаш ишларини ташкил этиш;

информатика таълими мазмуни, мустақил ҳаётда қўллаш имконияти бўлган технологик саводхонликни, танқидий фикрлаш ва ижодкорлик компетенцияларини шакллантириш;

информатика таълимини ташкил этишнинг замонавий шакл, метод ва воситалари асосида дуал тизимли ўқув модулларини ишлаб чиқиш;

таълим жараёнига миллий, умуминсоний ва маънавий қадриятлар асосида битирувчиларни тарбиялашнинг самарали методикасини кенг жорий этиш;

информатика таълими жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш;

ўқув-тарбия жараёни самарадорлигини ва натижавийлигини таъминлашда инновацион педагогик ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини тадбиқ этиш;

информатика таълимининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва бюджетдан маблағ билан таъминлашнинг самарадорлигини ошириш;

эркин бозор муносабатларига ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодий ривожланиши ҳамда тадбиркорлик, касаначилик фаолиятини кенг жорий қилишда ўқувчи шахси, унинг интилишлари, қобилияти ва кизиқишларини аниқлаш;

меъёрий хужжатларда назарда тутилган компетенцияларга асосланган баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

ишлаб чиқариш жараёнлари юқори даражада саноатлашган Буюк Британия, Франция, Германия, АҚШ, Израил, Жанубий Корея, Хитой Халқ Республикаси ва бошқа ривожланган давлатларнинг таълим тизимида ҳам Информатика фани умумий таълимнинг асосий бўғини ҳисобланиш тажрибасидан миллий хусусиятларни ва мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларни ҳисобга олган ҳолда жаҳон бозорига малакали кадрлар тайёрлашга қўйиладиган халқаро талабларга мувофиқлигини таъминлаш;

“Рақамли Ўзбекистон – 2030” дастурида назарда тутилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Информатика таълимининг меъёрий хужжатлари (ДТС, малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурлари) ни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

Олий ва ўрта махсус таълим муассасалари, умумтаълим мактабларида тахсил олаётган талабалар ва ўқувчиларнинг ахборотлашган жамиятда таълим олиши, келажақда рақамлаштирилган муҳитда яшаши ва ишлаши учун эгаллаган кўникмаларни бойитиш ҳамда лаёқатини шакллантириш;

Информатика ва АТ фани Давлат таълим стандарти талабларини таълим сифати ва кадрлар тайёрлашга қўйиладиган халқаро талабларга мувофиқлигини таъминлаш;

Информатика таълими бўйича умумий ўрта таълим муассасалари битирувчиларига қўйиладиган малака талабларини амалиётга татбиқ этиш;

умумтаълим муассасаларининг методик ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

Информатика таълими мазмунини сифат жиҳатидан янгилаш, шунингдек ўқитиш методикасини такомиллаштириш;

Информатика таълимида вариатив ўқув модулларини ишлаб чиқиш;

Таълим олувчиларни лойиҳа ва ўқув-тадқиқотчилик фаолиятига жалб этишнинг методикасини ишлаб чиқиш;

таълим жараёнига таълим олувчиларни миллий, умуминсоний ва маънавий қадриятлар асосида тарбиялашнинг самарали шакл, усул ва воситаларини кенг жорий этиш;

Информатика таълими умумтаълим фанлари билан ўзаро интеграцияси ва ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ишларини ташкил этиш;

Ахборот-коммуникация технологияларининг инсон ҳаёти ва фаолиятининг барча жабҳаларига татбиқ этиш.

## **2-БОБ. ИНФОРМАТИКА ВА АТ ТАЪЛИМИНИ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ВА МАВЖУД МУАММОЛАР**

Мамлакатимиздаги таълим тизими — уни ташкил этиш принциплари, мазмуни, таълим-тарбия жараёнининг шакл ва усулларини янги таълим технологиялари талаблари даражасида тубдан ислоҳ қилишни тақозо этмоқда. Информатика таълимининг амалдаги жорий ҳолати ва тўпланган тажрибалар таҳлилига кўра, бир қатор муаммолар борлиги маълум бўлади. Жумладан, бундай муаммоларга:

### **Халқ таълими вазирлиги тизимида:**

Халқ таълими вазирлиги тизимида 11 йиллик таълим жорий қилиниши ва ўрта махсус касб-хунар таълими тизимининг функциялари ўзгариши ҳисобига “Информатика” фанини ўқитишнинг институционал ривожланишида айрим бўшлиқ ва камчиликлар юзага келган, жумладан:

иктисодий ривожланиш стратегик мақсадларига номувофиқлиги, интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш муаммолари, олий маълумот олиш имкониятларининг чекланганлиги, юқори технология ва илм-фанга асосланган ишлаб чиқаришнинг ривожланмаганлиги;

умумтаълим мактабларида ўқитиладиган амалдаги Информатика ва АТ фани мазмуни, мустақил ҳаётда қўллаш имконияти бўлган рақамли саводхонликни ва маданиятни, танқидий фикрлаш ва креатив ахборот-коммуникацион компетенцияларини шакллантириш учун етарли эмас;

Информатика ва АТ фанини ўқитишда фанлараро компетенциялар ва фанлараро боғлиқлик, узвийлик ва узлуксизликнинг таъминланмаганлиги;

Информатика ва АТ фанининг ўқув методик таъминоти (ўқитувчи китоби, мультимедиа иловалар, дидактик материаллар ва бошқа) етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги;

Информатика ва АТ фанининг мазмуни, ўзига хос хусусиятлари, малака талаблари ва шакллантириладиган компетенциялардан келиб чиққан ҳолда баҳолаш тизимини ишлаб чиқилмаганлиги;

Информатика ва АТ фани мазмунига электрон кутубхона, виртуал ва интеллектуал боғлиқ, робототехника, ардуино, масофадан ўқитиш, таълим контентини бошқариш тизимлари, тўлдирилган борлиқ, ҳисоблаш математикаси, ижтимоий тармоқлар, интернет тижорат, рақамли ахборотлар билан ишлаш ва уларни қайта ишлаш технологиялар каби Ўзбекистон иқтисодиёти ривожини учун зарур бўладиган элементларнинг киритилмаганлиги

бўлажак мактаб битирувчиси ва мутахассисларнинг касбий сифатларига салбий таъсир кўрсатмоқда;

ўқувчиларда таълим олишга кучли мотивацияни шакллантириш учун ўқувчиларда бугунги кунда мустақил ҳаётга қадам қўйиш, таълимнинг кейинги босқичига ўтиш учун зарур компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган ўқув методик, дидактик, дастурий таъминот, жиҳоз ва ускуналарнинг етишмаслиги;

педагогларнинг методик таъминотини яхшилаш, информатика фани ўқитувчилари ва менторлари учун масофадан ўқитиш, LMS, MOOC курсларининг жорий этилмаганлиги;

### **Профessional таълим тизимида**

Информатика ва АТ фанининг жамиятдаги ўрни етарлича баҳоланмаганлиги;

Фан бўйича ДТС талабларининг тўғри белгиланмаганлиги ва ўқув дастури юкмасининг ошиб кетганлиги;

Дарсликларда фан мазмунининг «куруқлиги», ҳаётдан ажралиб ва эскириб бораётганлиги;

Фанни ўрганишга ўқувчилар қизиқишининг сустлиги;

Малакали Информатика ўқитувчиларининг камлиги;

Информатика ва АТ фани ўқитиш методларининг эскирганлиги;

Информатика ва АТ фани бўйича баҳолаш ягона тизимининг йўқлиги кўлланиоётган мезонларнинг замонавий талабларга жавоб бермаслиги;

### **Олий таълим тизимида**

педагог кадрларни тайёрлаш тизимида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва уларни касбий соҳаларида самарали кўлланилмаётганлиги;

информатика таълимига оид илмий-методик таъминотнинг етарли эмаслиги;

информатика таълимининг моддий-техника базаси эскирганлиги, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланмаганлиги ҳамда бюджетдан маблағ билан таъминлаш бўйича етарли чоралар кўриш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилмаганлиги;

халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илғор стандартларини жорий этиш, жумладан, Информатика таълими ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимида босқичма-босқич ўтишда камчиликларнинг мавжудлиги;

Информатика таълими мазмунини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, ижтимоий-иқтисодиёт тармоқлари ва ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшадиган, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизими такомиллаштирилмаганлиги;

хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, пуллик хизматлар кўламини кенгайтириш ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига Информатика

таълимини ривожлантиришга замонавий (Smart, Web) технологияларнинг кенг жорий этилмаганлиги;

таълимнинг ишлаб чиқариш корхоналари ва илмий-тадқиқот ташкилотлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини йўлга қўйишда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг эскирганлиги ҳамда ҳамкорлик бўйича ишлаб чиқилган дастурларда узвийликнинг таъминланмаганлиги;

ўқув дастурларини такомиллаштириш ва замонавий педагогик технологияларни жорий этиш юзасидан асосланган тавсияларнинг ишлаб чиқилмаганлиги;

таълим беришда қўлланилаётган таълим-тарбия усулларининг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилувчи механизмларнинг йўқлиги;

ҳамкорликнинг янги шакллари ривожланмай қолаётганлиги ва хорижий қўшма таълим дастурларининг мавжуд эмаслиги;

Информатика таълими самарадорлигини баҳолаш ва такомиллаштириш бўйича илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш асосида ишларнинг тўлақонли йўлга қўйилмаганлиги.

мавжуд олий таълим муассасаларида информатикага боғлиқ йўналишларида педагог-кадрларни тайёрлаш сифати бугунги кун талабларига мос келмаслиги, “Информатика” фанини ўқитишни тубдан қайта кўриб чиқиш ва замон талабига мос равишда янгилашни тақазо этмоқда.

### **3-БОБ. ИНФОРМАТИКА ТАЪЛИМИ КОНЦЕПЦИЯСИНING АСОСИЙ МАҚСАДИ ВА РИВОЖЛАНИШИНИING УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ**

Информатика ва АТ фани жамиятда рақамли ва ахборот технологик ўзгаришларнинг янги тўлкини кутилмоқда, бу эса иқтисодиётнинг барча соҳаларини ривожлантиришда инновацияларнинг ролини кучайтиради.

**1. Қуйидагилар информатика таълимини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари ҳисобланади:**

рақамли иқтисодиётда информатика таълимини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожлантириш;

информатика таълимида инновацион («булутли») технологиялар, интернет буюмлари, электрон кутубхона, виртуал-интеллектуал борлик, робототехника, ардуино, ижтимоий тармоқлар, интернет бизнес, рақамли ахборотлар билан ишлаш ва уларни қайта ишлаш технологияларни ўзлаштириш ва шу соҳадаги ахборот маданиятини шакллантиришга оид эгаллаган билим, кўникма ва малакаларни мустақил амалий фаолиятида қўллаш, касб-ҳунар танлаш, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида ижтимоий муносабатларга кириша олиш, меҳнат бозорида зарур бўладиган компетенцияларни шакллантириш;

информатика фани бўйича саводхонлик, танқидий, креатив ва тизимли фикрлаш, мустақил қарор қабул қила олиш, ўз интеллектуал қобилиятларини намоён эта олиш ва маънавий баркамол шахс сифатида шаклланиши учун зарур шарт-шароит яратиш.

## **2. Информатика таълимини ривожлантириш қуйидаги вазифаларга асосан амалга оширилади:**

таълимнинг барча босқичларида информатика таълимини узвий ва изчил ўқитиш тизимини яратиш;

информатика таълимининг илмий-методик ва моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш, замонавий техника ва технологиялар билан таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

информатика таълими жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш орқали инновацион инфратузилмасини шакллантириш;

умумий ўрта, профессионал ва олий таълим тизимларида ўқитилаётган информатика таълими жараёнининг ўзаро узвийлигини таъминлаш;

фан доирасида ўргатиладиган ва мамлакатимиз иқтисодиёти учун истикболли деб танланган касблар ҳамда мутахассисларни тайёрлашнинг таянч босқичи сифатида хизмат қилиши;

кадрларни тайёрлаш, мавжуд кадрлар таъминотини модернизациялаш ва инсон потенциалидан самарали фойдаланиш;

малака талаблари, шунингдек, янгиланган таълим стандартларини жорий этиш учун эгалланадиган кўникмаларни аниқлашнинг янги усулларини жорий этиш;

информатика фанининг мазмуни, ўзига хос хусусиятлари, малака талаблари ва шакллантириладиган компетенциялардан келиб чиққан ҳолда баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш;

иқтидорли ўқувчи-ёшларни аниқлаш, баҳолаш ва рағбатлантириш, информатика фанидан мавжуд халқаро олимпиада масалаларини ечиш алгоритми каби танлов ҳамда кўргазмаларни ташкил этиш;

интеллектуал салоҳиятни ошириш ва меҳнат бозоридаги ўрни ҳақидаги маданиятни шакллантириш;

замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида таълим олувчиларда ижтимоий-иқтисодий ва ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш каби муаммоларни ечиш, лойиҳалаштириш, моделлаштириш ва бошқариш каби касбий сифатларни ривожлантириш ва тадқиқот ишлари маданиятини шакллантириш;

таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, электрон таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom», MOOC, LMS, VR, IR, IoT технологияларини амалиётга кенг жорий этиш ҳамда таълим жараёнларида смарт технологиялардан фойдаланиш;

инновацион технологиялар ва аниқ фанлар интеграцияси асосида информатика фанлари узвийлигини шакллантириш;

инновацион технология ва халқаро баҳолаш тизимларига мос равишда таълим олувчиларнинг малака ва кўникмаларини шакллантириш ва ахборот-коммуникация технологиялари асосида амалиётда қўллаш компетентлигини ривожлантириш;

таълим олувчиларни ривожланган мамлакатлар таълим олувчилари билан рақобатлаша оладиган компетенциявий билимларга эга бўлишини таъминлаш.

Ўқувчиларда кундалик фаолиятда қўллаш, фанларни ўрганиш ва таълим олишни давом эттириш учун зарур бўлган информатик билим ва кўникмалар тизимини шакллантириш ва ривожлантириш;

жадал тараққий этаётган жамиятда муваффақиятли фаолият юрита оладиган, аниқ ва равшан, танқидий ҳамда мантиқий фикрлай оладиган шахсни шакллантириш;

миллий, маънавий ва маданий меросни кадрлаш, табиий-моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва асраб-авайлаш, информатик маданиятни умумбашарий маданиятнинг таркибий қисми сифатида тарбиялашдан иборат.

SMART технологияларни жорий этиш орқали мактаб ўқувчиларининг фанлар интеграциясига қурилган саводхонлик даражасини ошириш;

информатика ва АТ фанини ўқитиш – мактаб битирувчиларининг рақамли саводхонликни ва маданиятни, танқидий фикрлаш ва креатив ахборот-коммуникацион компетенцияларини шакллантириш, шу билан бирга замонавий ахборот-коммуникация технологиялардан креатив даражада фойдаланиш, ҳаётий муаммоларни замонавий АКТ асосида лойиҳалаштириш, моделлаштириш, алгоритмлаш, дастурлаш ва бошқаришни ўзлаштириш имконини беради.

информатика ва АТ фанини ўқитишнинг концептуал асослари сифатида шуни қайд этиш жоизки, информатика фанини замонавий талаблар асосида ўрганиш:

замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида ҳаётий муаммоларни ечиш, лойиҳалаштириш, моделлаштириш, алгоритмлаш ва бошқариш каби универсал фаолиятларни ўзлаштириш;

рақамли жамиятдаги масалаларини ечиш маҳоратини намоён қилиш орқали самарадор технологияларни танлаш;

креатив фикрлаш ва инновацион фаолият юритиш кўникмасини шакллантириш орқали мақсадли ахборот тизимларини ва меҳнатга таъсир ўтказишнинг инновацион услубларини яратиш;

таълим жараёнида ҳар хил касбий кўникмаларни эгаллаш орқали мустақил ҳаётда зарур бўладиган бўлажак касбни тўғри танлаш;

меҳнат қилиш, янги билимларни эгаллаш, мукамалликка эришиш учун рақамли технологиялар асосида ўз устида мустақил ишлаш ва амалий фаолият юритиш;

тез ўзгарадиган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий шароитларга мослашувчан, ноаниқ вазиятларда мустақил таълим олишга тайёр ва умри давомида таҳсил оладиган ёшларни тарбиялашдан иборат;

Информатика ва АТ фани - умумий ўрта таълим ўқув фанларининг таркибий қисми, ўқувчиларга илм-фан асослари тўғрисидаги билимларни амалиётга жорий қилиш, инсон фаолияти, умумий, рақамли ва моддий маданиятнинг турларини шакллантиришнинг умумий тамойиллари, ўзига хос кўникмаларини ўзлаштириш, шунингдек, рақамли технологиялар асосида



амалий муаммоларнинг инновацион ечимларини топиш ва ҳаётга тадбиқ этиш имконини беради.

#### 4- боб. Информатика таълимнинг ўқув-методик таъминотини ва ишлаб чиқишда узвийликни таъминлаш


Информатика ва АТ фанини ўқитиш жараёнида ўқув-методик таъминоти таркибига қуйидагилар киради:

- информатика ва АТ фани бўйича таянч ўқув режа;
- информатика ва АТ фани бўйича давлат таълим стандартлари;
- информатика ва АТ фани бўйича ўқув дастурлари;
- информатика ва АТ фани бўйича малака талаблари;

информатика ва АТ фани бўйича ўқувчиларнинг компетенцияларини баҳолаш тизими асосида амалга оширилади.

Информатика ва АТ фанини ўқитишнинг мазмуни, усуллари ва педагогик технологияларини модернизация қилиш, уни моддий-техник ва кадрлар билан таъминлаш (шу жумладан информатика фани ўқитувчиларини малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш)га янгича ёндошилади.

Таълим сифати яхшиланади.



Информатика таълимнинг ўқув-методик таъминотини ривожлантириш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

илғор хорижий тажрибалар, халқаро стандартлар ва миллий анъаналар уйғунлигида информатика таълими бўйича давлат таълим стандартини ишлаб чиқиш;

информатика таълими бўйича узвийликни эътиборга олган ҳолда таълим босқичлари учун алоҳида тартибда битирувчиларга қўйиладиган малака талабларини ишлаб чиқиш;

информатика таълим тизими ўқув юкламаларининг минимал ҳажми ҳамда уларнинг тақсимоти юзасидан таклифлар тайёрлаш;

информатика таълим тизими бўйича ўқув-методик мажмуаларни (дарслик, машқ дафтари, ўқитувчи учун методик қўлланма, дарсликларнинг

мультимедиа (иловаси ва бошқа) янги авлодини босқичма-босқич ишлаб чиқиш;

информатика таълим тизими мазмуни, ўзига хос хусусиятлари, малака талаблари ва шакллантириладиган компетенциялардан келиб чиққан ҳолда баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш;

хавфсизлик техникаси қоидалари ва санитария-гигиена талабларини ишлаб чиқиш.

8. Информатика таълими бўйича ўқув-методик мажмуаларни ишлаб чиқиш қуйидаги принциплар асосида амалга оширилади:

ўқув-методик мажмуалар таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари асосида яратилганлиги;

ўқувчи-ёшларнинг ақлий ва жисмоний имкониятлари, ёши, психофизиологик хусусиятлари, билим даражаси, қизиқишлари, лаёқатлари ҳисобга олинганлиги;

ўқувчи-ёшларда ватанпарварлик ва миллий ғурур ҳиссини шакллантиришга қаратилганлиги;

ўқувчи-ёшларда мустақил ижодий фикрлаш, ташкилотчилик қобилияти ва амалий тажриба кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилганлиги.

9. Ўқув-методик мажмуаларни ишлаб чиқишга қуйидагича талаблар қўйилади:

**а) дидактик талаблар:**

ўқув материалларининг тўлиқ ўзлаштирилишини таъминлаш;  
матнлар ахборот беришга эмас, балки ўқув фанининг мазмун-моҳиятини тушунтириш мақсадларига хизмат қилиши;

қизиқарли, лўнда ва ҳамма учун қулай ва табақалаштирилган бўлиши;

илмий дунёқарашни шакллантириш, ватанпарварлик ва миллатлараро тотувлик талабларига жавоб бериши, аниқ далилларга асосланган материаллардан таркиб топиши;

таълимнинг кундалик ҳаёт ва амалиёт ўртасидаги боғлиқлигини таъминлашга, олинган билимларни амалиётда қўллай олиш лаёқатлари шакллантирилишига, бошқа ўқув фанлари билан узвий боғлиқликни таъминлашга йўналтирилган бўлиши;

расмлар кўринишидаги иллюстрациялар: хариталар, чизмалар, схемалар, жадваллар, диаграммалар ва фотосуратлар билан безатилган бўлиши;

янги тушунчалар, атамалар, қоидалар, формулалар, таърифлар ва шу кабилар луғат кўринишида ифодаланган бўлиши лозим.

**б) илмий-методик талаблар:**

фан-техниканинг сўнгги ютуқларини ўзида акс эттириши;

ўқув фани мавзуларининг мазмунан яхлитлиги таъминланган бўлиши;

ўқув фани мавзулари ўзбек адабий тили қоидаларига тўлиқ риоя қилган ҳолда оддий ва содда, тушунарли ва равон тилда баён қилиниши;

манتيқий кетма-кетликка ва изчилликка амал қилиниши;

миллий ғоя ва Ўзбекистон халқининг менталитетига зид бўлмаган тегишли иллюстрациялар билан бойитилиши;

савол ва топшириқлар аниқ ифодаланган бўлиши;

ўқувчиларни фикрлашга, ёзишга, тасвирлашга, чизма чизишга, ҳисоблашга, амалий ишларни бажаришга, тажрибалар ўтказишга ўргатишда педагогик технологиялардан фойдаланиш назарда тутилган бўлиши;

бир тушунчанинг икки хил атама билан ифодаланишига, саналарни келтиришда мавҳумликка йўл қўйилмаслиги;

касб-хунарга йўналтиришга оид матнлар ва расмлар, изоҳли луғат, техник ижодкорлик ва мантикий тафаккурни ўстиришга қаратилган лойиҳалаш ҳамда моделлаштириш юзасидан топшириқларни қамраб олган бўлиши лозим.

**в) педагогик-психологик талаблар:**

кенг жамоатчилик томонидан тан олинган илмий асосланган маълумотлар, ўқувчиларнинг билим даражалари, эслаб қолиш қобилиятлари, тафаккури ҳисобга олинган ҳолда воқеа ва ҳодисаларнинг моҳиятини англашга ва амалий қизиқишларини ривожлантиришга, билим олишга ва амалий фаолият билан шуғулланишга бўлган эҳтиёжларини тўлақонли қондиришга йўналтирилган бўлиши;

ўқув фани мавзуларининг ёш ва психофизиологик хусусиятларига мос ҳолда берилиши, маълум фактлар, тушунчалар, қоидалар ва фанлараро боғлиқликни ҳисобга олган ҳолда тушунарли баён қилиниши;

ўқувчиларнинг янгиликларни қабул қилиш қобилиятлари, олдин олган билимларини ўзлаштирганлик даражаси ҳисобга олинган бўлиши лозим.

**г) эстетик талаблар:**

имкон даражасида ёрқин, рангли, қизиқарли ва чиройли бўлиши;

матнлар ўқувчи-ёшларга маълум ижобий ҳиссий таъсирларни ўтказиши ва ўқув фанига қизиқиш уйғотиши;

бўлим, боб, параграф ва мавзулар матнларининг турли шакл ва ранглар билан ажратилиши, мутаносиблиги таъминланиши;


расм ва тасвирлар бадиий эстетик талабларга жавоб бериши, аниқ ва тиниқ ифодаланиши лозим.

**д) гигиеник талаблар:**

матн ва иллюстрациялар санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мос бўлиши;

харфларнинг катталиги ва қоғознинг сифати (оғирлиги, қалинлиги, оқлиги ва шаффофлиги) меъёрий ҳужжатларда белгиланган талабларга мос бўлиши лозим.

## Информатика ва АТ фанини жорий этиш схемаси.



таълим жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш орқали инновацион инфратузилмани шакллантириш;

Информатика ва АТ фан йўналишида ўқувчиларнинг эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини кундалик ҳаёт билан боғлиқлигини кўрсатишда дарс ва синфдан ташқари машғулотларда ўқув тадқиқотларини ўтказиш, лойиҳалаштиришга йўналтирилган ижодкорлигини тарбиялаш, янгиликлар яратишга бўлган қизиқишларини ривожлантиришга қаратилган.

### 6-боб. Информатика ва АТ фанининг моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш

Информатика ва ахборот тхнологиялари фани моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

“Замонавий мактаб” давлат дастури доирасида умумий ўрта таълим мактаблари учун халқаро тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда янги турдаги замонавий компьютер хоналари билан таъминлаш;

Информатика хонасида замонавий мебель жиҳозлари, компьютер ва уларнинг қўшимча қурилмалари (принтер, сканер, қулоқчин, ва бошқа) жиҳозлар, интерактив доска, планшет ва мультимедиа техникалари, интернет, видеокузатув тизимлари билан жиҳозлашни таъминлаш;

фан хоналарининг жиҳозланиш даражаси халқаро стандартларга жавоб берадиган компьютерлар билан таъминланган бўлиши;

ўқувчиларнинг қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда ёш дастурчилар тўғарақлари бўйича моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

замонавий компьютерлардан оқилона фойдаланиш ва асраб-авайлаш;

хавфсизлик техникаси қоидалари ва санитария-гигиена талабларига риоя қилган ҳолда фойдаланиш.

### **Олий таълим тизимида**

Жаҳон олий таълим тизимидаги Информатика таълими йўналишига оид етук замонавий кадрлар тайёрлаш давлат дастури доирасида умумий ўрта таълим мактаблари учун халқаро тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда малакали мутахассислар тайёрлашда янги турдаги замонавий информатика хоналарини барпо этиш, махсус жиҳозланган ўқув хоналарини замонавий хорижий тажрибалар асосида жаҳон стандартларига мослаштириш;

янги турдаги замонавий Информатика хоналарини замонавий мебеллар, жиҳозлар, асбоб-ускуна ва мосламалар, ўқув-услубий материаллар, лаборатория жиҳозлари, компьютер, интерактив доска, планшет ҳамда мультимедиа техникалари, интернет, видеокузатув тизимлари, масофавий ўқитиш жиҳозлари, 3D принтер билан таъминлаш, уларни ўз вақтида янгилаб бориш чораларини кўриш;

илмий тадқиқот ва лаборатория тажрибаларини ўтказиш объектларни яратиш учун ўқув хоналарининг жиҳозланиш даражасини халқаро стандартларга жавоб берадиган талаблар асосида таъминлаш;

масофадан туриб фойдаланиш имконини берувчи электрон кутубхона тизимини кенг жорий этиш, талабаларнинг олий таълим муассасасида ўқишни тамомлаганларидан сўнг кутубхона фонди, ахборот базаларидан фойдаланишини йўлга қўйиш орқали уларнинг касбий малакасини узлуксиз ошириб бориш имкониятларини кенгайтириш;

олий таълим муассасаларини замонавий дастурий маҳсулотлар билан таъминлаш ҳамда мунтазам равишда ўқув ва илмий жараёнларни замонавий жиҳозлар билан таъминлаб боришнинг самарали механизмларини яратиш;

кутубхона, замонавий информатика хоналарига нисбатан ўсиб бораётган эҳтиёжни ўз вақтида таъминлаш ва замон талаблари асосида уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

инновацион кутубхоналарни ташкил этиш, улардаги китоб фондиди янги авлод ўқув адабиётлари билан мунтазам бойитиш;

олий таълим муассасаларини юқори тезликдаги интернет билан узлуксиз таъминлаш, талабаларнинг мустақил таълим олишлари учун инфратузилма имкониятларини кенгайтириш;

талабалар, ўқитувчилар ва ёш тадқиқотчиларнинг электрон таълим ресурслари, замонавий илмий адабиётларнинг электрон каталоглари ва маълумотлар базаларидан бепул фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш.

## **7-БОБ. ИНФОРМАТИКА ТАЪЛИМИ ЖАРАЁНИГА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ОРҚАЛИ ИННОВАЦИОН ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

**Информатика таълими жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:**

замонавий рақамли технологиялар ва таълим технологияларининг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш, бу борада педагог кадрларнинг касбий маҳоратини узлуксиз ривожлантириб бориш учун қўшимча шароитлар яратиш;

таълим жараёнини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш;

информатика таълими бўйича электрон китобларни мобил ускуналарга юклаб ва кўчириб олиш мақсадида QR-код ёрдамида синф(гурух)лар кесимида ўқув-методик мажмуалар (дарслик, машқ дафтари, ўқитувчи учун методик қўлланма, дарсликларнинг мультимедиали иловаси) ҳақидаги ахборотларни жойлаштириш тизимини яратиш;

замонавий ахборот-коммуникация ва Smart технологиялар асосида масофавий таълим дастурларини ташкил этиш;

назарий ва амалий машғулотларни онлайн кузатиш ва ўзлаштириш имконини берувчи, шунингдек, уларни электрон ахборот сақловчиларга юкловчи платформалар (Edu Market интерфаол-виртуал таълим дастури)дан ҳамда таълим жараёнида Smart va Web технологиялардан фойдаланиш;

масофадан туриб фойдаланиш имконини берувчи электрон кутубхона тизимига информатика таълими тизими бўйича ишлаб чиқилган ўқув-методик мажмуалар, электрон таълим ресурсларини жойлаштириш ҳамда улардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

таълим жараёнида электрон ресурслар салмоғини босқичма-босқич ошириб бориш, электрон ўқув адабиётларни яратиш, уларни мобил қурилмаларга юклаб олиш мақсадида QR-код ёрдамида электрон ресурслар ҳақидаги ахборотларни жойлаштириш тизимини яратиш;

информатика таълимининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, таълим жараёнида халқаро миқёсда кенг қўлланиладиган замонавий дастурий маҳсулотлардан фойдаланишни ривожлантириш;

12. Информатика таълимининг инновацион инфратузилмасини шакллантириш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

стартап лойиҳалари асосида иқтидорли ўқувчи-ёшларнинг илм-фанга кенг жалб этилишини рағбатлантириш;

иқтидорли ўқувчи-ёшларни аниқлаш, чуқурлаштирилган (вариатив) таълим дастурлари асосида ўқитиш, “Устоз-шоғирд” тизими асосида тегишли соҳада юқори натижаларга эришган малакали мутахассисларга бириктириш;

ўқувчи-ёшлар томонидан яратилган ижодий лойиҳа ишлари натижаларини тижоратлаштириш ишларини босқичма-босқич жорий этиш;

иктидорли ёшларни аниқлаш, баҳолаш ва рағбатлантириш тизимини шу жумладан булутли технологиялар, интернет буюмлари, электрон кутубхона, виртуал-интеллектуал борлиқ, робототехника, ардуино, ижтимоий тармоқлар, интернет бизнес, рақамли ахборотлар билан ишлаш, уларни қайта ишлаш технологияларини ривожлантириш учун таълим муассасалари ўртасида танлов ва кўргазмаларини ташкил этиш;

информатикадан умумий ўрта таълим тизимида фан олимпиадаларини ташкил этиш ва иқтидорли ўқувчи-ёшлар иштирокини ошириш;

инновацион инфратузилмани ривожлантириш ҳамда бошланғич, умумий ўрта, ўрта ва ўрта махсус профессионал ҳамда олий таълим тизимлари билан узвийлигини таъминлаш.

## **8-БОБ. КОНЦЕПЦИЯНИ АМАЛГА ОШИРИШДАН КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР**

**Концепция доирасида белгиланган вазифаларни бажариш орқали қуйидаги кўрсаткичларга эришиш назарда тутилади:**

### **Халқ таълими тизимида**

Информатика ва АТ фани мақомини унинг фундаментал билимларнинг инсон яратувчилик фаолияти билан боғлиқлигини ҳамда атроф-муҳит ва умумий таълим мазмуни ўртасидаги ўзаро таъсирни таъминлашдаги асосий ролига муносиб равишда ўзлаштиришга эришиш;

Информатика ва АТ фанини ўқитишнинг усул ва технологияларини, мазмунини, унинг моддий-техник ва кадрлар таъминотини модернизациялаш;

Интеллектуал салоҳиятнинг меҳнат бозоридаги ўрни ҳақидаги маданиятни шакллантириш;

замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида ҳаётий муаммоларни ечиш, лойиҳалаштириш, моделлаштириш ва бошқариш каби универсал фаолиятларни ўзлаштириш;

рақамли жамиятдаги масалаларини ечиш маҳоратини намоён қилиш орқали самарадор технологияларни танлаш;

креатив фикрлаш ва инновацион фаолият юритиш кўникмасини шакллантириш орқали мақсадлий ахборот тизимларини ва меҳнатга таъсир ўтказишнинг инновацион услубларини яратиш;

таълим жараёнида ҳар хил касбий кўникмаларни эгаллаш орқали мустақил ҳаётда зарур бўладиган бўлажак касбни тўғри танлашга эришиш;

меҳнат қилиш, янги билимларни эгаллаш, мукамалликка эришиш учун рақамли технологиялар асосида ўз устида мустақил ишлаш ва амалий фаолият юритишга шароит яратиш;

тез ўзгарадиган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий шароитларга мослашувчан, ноаниқ вазиятларда мустақил таълим олишга тайёр ва умри давомида таҳсил оладиган ёшлар тарбияланишига имконият яратилади;

информатика ва АТ соҳаси лидерларини (ташкilotлар, жамоалар, болалар билан ишловчи алоҳида педагогик ходимлар, илғор компетенциялар соҳиблари – ўз касби усталарини) қўллаб-қувватланади;

информатика ва АТ фанини ўзлаштиришда жамият ва инсон учун зарур бўлган ҳаётий муаммони ечишда, моддага таъсир ўтказиш учун самарали бўлган рақамли технология, метод, восита ва усуллари яратилади;

амалий жиҳатдан информатика соҳасидаги билим – замонавий ахборот-коммуникация технологиялар трансферти билан боғлиқ, кенг маънода келажак авлодни юз бериши мумкин бўлган рақамли технологик ўзгаришлар билан ишлашга тайёрланади;

информатика ва АТ фанини ўзлаштиришда, рақамли жамиятдаги ўзгаришларни амалга ошириш жараёнида инсонда ахборот, коммуникация, ахборот тизим ва ахборот жараён, меҳнатни ташкил этилиши каби масалаларга нисбатан қарашлари юзага келади. Жамият ривожига тажрибалар таҳлил қилинганда билимларни қуйидаги асосий фундаментал йўналишларга ажратилади:

ахборот. Ахборот жараёнлар;

Маълумотлар. Маълумотлар базалари;

ахборот тизимлар ва технологиялар;

ахборот-коммуникация технологиялар;

моделлаштириш;

алгоритмлаш;

дастурлаш;

бошқариш;

инновацион лойиҳа ва ихтиро.

### **Профессional таълим тизимида**

Ўқувчиларда таянч компетенцияларини шакллантириш, кичик ўқув тадқиқотларни бажариш орқали умумтаълим фанларини ўрганишга қизиқишни кучайтириш мақсадида фан ўқув дастурларига амалий машқ ва татбиқ ҳамда лойиҳа иши киритилди. Бу ҳолат нафақат муайян ўқув фани бўйича ўзлаштириш сифатини яхшилайти, балки фанлараро ва фаннинг кундалик турмуш билан боғланиш имкониятларини очади ва таълим самарадорлигини оширади.

Ўқувчиларнинг лойиҳа фаолиятини амалга ошириши учун дастурда алоҳида соатлар ажратилган. Шундай бўлсада, ўқувчилар бир ўқув йилида ўзлари қизиққан фани ёки таълим соҳасидан фақат битта лойиҳа ишини бажаришлари тавсия этилади. Лойиҳа иши мавзулари ўқитувчилар томонидан битта ёки бир неча ўқув фанлари доирасида муаммоли вазият ёки кейс сифатида танланади. Лойиҳа иши учун ажратилган соатларда ўқитувчи: бошида лойиҳа иши мавзуларини ўқувчилар орасида тақсимлайди, уларни бажариш учун йўриқномалар ва маслаҳатлар беради. Сўнг тайёр лойиҳа ишларидан намуналар келтиради, ўқувчиларнинг лойиҳа ишини бажариши



давомида юзага келган саволларига жавоб беради ҳамда охирида лойиҳа иши химоясини ўтказиши.

Лойиҳа иши мавзуси устида ўқувчилар алоҳида-алоҳида ёки кизиқишларига қараб 3-4 кишилик гуруҳ бўлиб ишлашлари ҳам мумкин. Бунда гуруҳий ишга кўпроқ урғу берган маъқул. Лойиҳа иши ўқув йили охирида ўтказиладиган химоя билан тугайди. Химояни битта ёки бир неча ўқув фанлари доирасида конференция тарзида ўтказиши мумкин. Лойиҳа иши мавзуси устида ўқувчиларнинг индивидуал ёки гуруҳий иши қуйидаги ўқув фаолиятларни ўз ичига олиши мумкин: ўз изланиш фаолиятларини режалаштириш, вазифаларни ўзаро тақсимлаб олиш, олдиларига ўқув мақсадларини қўйиш, керакли маълумотларни излаб топиш, мавзуга доир муаммоли вазият ечимларини қидириш, улардан энг мақбулини танлаш ва уни асослаш, зарур ҳолларда сўровлар ёки тажрибалар ўтказиш, лойиҳа иши натижалари бўйича ҳисобот тайёрлаш, ўз фаолиятларини таҳлил қилиш ва баҳолаш, лойиҳа иши химояси учун тақдимот тайёрлаш ва уни химоя қилиш. Бу фаолиятлар мос фан доирасида ажратилган соатлар ҳисобидан амалга оширилади. Ўқувчилар лойиҳа иши муаммоси бўйича изланишларини одатда дарсдан ташқари мустақил машғулотларда олиб боришади. Турли фанлардан дарс соатлари сифатида ажратилган машғулотларда эса улар маслаҳатларни тегишли фан ўқитувчиларидан олишади, ҳисоб-китобларни Информатика дарсларида, тақдимот слайдларини информатика дарсларида бажаришади, ҳуллас бу соатларда ўз мавзулари бўйича гуруҳ бўлиб ишлашади ҳамда бошқа гуруҳ ишлари билан танишишади.

Информатика дарсларини ташкил қилишда назариядан кўра кўпроқ амалиётга эътибор бериш ҳамда ўқувчиларга тайёр ўқув материалларини беришга асосланган ёндашувдан маълум даражада воз кечиш талаб қилинади. Информатика дарсларида кўпроқ кейс, тадқиқот, лойиҳа, кичик ўқув кашфиётлари каби интерактив методлардан фойдаланиш тавсия этилади. Ўқувчиларда кичик тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантиришда кузатиш, тажриба, ўлчашлар, анализ (таҳлил) ва синтез, индуксия ва дедуксия, таққослаш ва аналогия каби илмий изланиш методларидан ўрнида фойдаланиш талаб этилади. Ўқувчиларда билим ва кўникмаларни шунчаки шакллантириб қолмасдан, уларни ҳаётий вазиятларда қўллаш олиш компетенцияларини ҳам таркиб топтириш муҳим аҳамият касб этади.

### **Олий таълим тизимида**

Информатика таълими тизимида ўқитишнинг концептуал асослари сифатида шунини қайд этиш жоизки, информатика таълимини замонавий талаблар асосида ўрганиш:

дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши;

гуманитар ва табиий-илмий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;

инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга, атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ва маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;

ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;

электрон ахборот таълим муҳитида таълим жараёнини педагогик лойиҳалаштириш;

тегишли бакалаврият йўналиши бўйича рақобатбардош умумқасбий тайёргарликка эга бўлиши;

қасбий-педагогик маданияти шаклланган бўлиши;

янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

битта хорижий тилни эркин сўзлашув даражасида эгаллаган бўлиши;

соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тасаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш ўқув ва кўникмаларига эга бўлиши керак.

STEAM (Science – табиий фанлар, Technology – технологиялар, Engineering – муҳандислик, Art – санъат, Mathematics – математика) таълимини жорий этиш орқали умумқасбий ва мутахассислик фанлараро интеграциясига қурилган саводхонлик даражасини ошириш;

***Информатика таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг қасбий фаолияти қуйидагиларни қамраб олади:***

умумий ўрта таълим мактабларида информатика фанларидан, профессионал таълимда қасбий фанлардан ўрнатилган тартибда дарс бериш;

таълим тизимида кабинет мудири, лаборант ва унга тенглаштирилган лавозимларда ишлаш;

профессионал таълим ўқитувчиси мос таълим йўналишлари бўйича таълимни амалга оширувчи муассасаларда методист бўлиб ишлаш;

педагогика ва техника фанлар йўналишидаги илмий-тадқиқот ташкилотларида кичик илмий ходим бўлиб ишлаш;

умумий ўрта таълим муассасаларида ва чуқурлаштирилган академик лицей таълим муассасаларида ишлаш.

***Информатика таълимини ўқитишни янги босқичга кўтариш Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида:***

олий маълумотли мутахассислар тайёрлашнинг мақсадли параметрларини Инвестиция дастурлари, ҳудудий ва тармоқ дастурлари, васийлик кенгашлари талаблари, жаҳон миқёсидаги технологик ўзгаришларни инобатга олган ҳолда шакллантириш, таълим йўналишлари ва мутахассисликларини оптималлаштириш, бунда STEAM йўналишларини (аниқ фанлар, технология, инжиниринг, ижодий санъат ва математика) ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш;

олий таълим муассасаларининг қуввати, илмий салоҳияти ва бошқа асосий кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда тўлов-контракт асосидаги қабул

параметрларини олий таълим муассасаси томонидан мустақил белгилаш тизимини босқичма-босқич жорий этиш;

давлат гранти асосида кадрлар тайёрлаш параметрларини босқичма-босқич олий таълим муассасалари ўртасида танлов ўтказиш йўли билан тақсимлаш механизмларини жорий этиш;

илғор хорижий тажрибалар асосида олий таълим муассасаларига юқори малакали педагог кадрларни мақсадли тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириб бориш;

олий таълим муассасаларида ўқув-услугий фаолият учун масъул бўлган мутахассислар малакасини мунтазам ошириб бориш;

таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича хорижий тилларда ўқитиладиган мутахассислик фанлари салмоғини ошириб бориш;

магистратура талабалари юқори савияда илмий изланишлар олиб бориш, педагогик фаолият юритиш, бошқарув, танқидий фикрлаш ва тизимли таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши учун мазкур таълим босқичи ўқув режа ва дастурларини мунтазам такомиллаштириб бориш;

олий таълим муассасалари, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқув-педагогик ва илмий фаолият юритиш учун хорижлик юқори малакали профессор-ўқитувчилар ва мутахассислар, таълим ва илм-фан соҳасида фаолият юритиб, салмоқли ютуқларга эришган, юрт ривожига ҳисса қўшиш истагида бўлган хориждаги ватандошларни жалб этиш, бу борада уларга академик ва инфратузилмага оид қулайликлар яратиб бериш;

“Эл-юрт умиди” жамғармаси кўмагида профессор-ўқитувчиларни хорижий мамлакатларда малака ошириш, стажировка ўташ, магистратура ва докторантурада ўқитиш орқали уларнинг қасбий маҳоратини ошириб бориш;

кўп йиллик меҳнат стажига эга бўлган амалиётчи мутахассисларни таълим жараёнига кенг жалб қилиш, профессор-ўқитувчиларнинг тегишли соҳа корхона ва ташкилотларида стажировка ўташини тизимли ташкил этиш;

ижтимоий соҳа ва иқтисодиётнинг барча тармоқлари мутахассислари учун узлуксиз малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимларини жорий этишнинг меъерий-ҳуқуқий ва ўқув-методик асосларини такомиллаштириб бориш, бу борада масофавий таълим имкониятларидан кенг фойдаланиш;

таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг жорий этиш;

замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида масофавий таълим дастурларини ташкил этиш;

маъруза ва амалий машғулотлар, семинарларни онлайн кузатиш ва ўзлаштириш имконини берувчи, шунингдек уларни электрон ахборот сақловчиларга юқловчи «E-MINBAR» платформасини амалиётга жорий этиш, таълим жараёнларида «булутли технологиялар»дан фойдаланиш;

олий таълим муассасаларида таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш узвий боғлиқлигини назарда тутувчи «Университет 3.0» концепциясини босқичма-босқич жорий этиш;

профессор-ўқитувчилар, илмий изланувчилар, докторантлар, магистратура ва бакалаврият талабаларини ташкил этиладиган технопаркларда илмий ва инновацион фаолият олиб боришларига эришиш;

бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига стартап лойиҳалари асосида тижоратлаштириш салоҳияти юқори бўлган янги маҳсулотлар ва техника-технологияларни яратиш орқали олий таълим муассасалари ҳузурида илмий-тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш билан шуғулланувчи «spin-off» ва «spin-out» корхоналарини ташкил этиш, академик тадбиркорликни ривожлантириш;

халқаро SciVal ахборот-таҳлил тизими ёрдамида жаҳондаги илмий-тадқиқот натижаларини таҳлил қилиб бориш асосида илм-фаннинг илғор ютуқлари билан уйғун ривожланишини таъминлаш.